

ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШДА ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИНИНГ ЎРНИ

Абдуллаев Холхужа

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Abstract: The article focuses on the integration of Homeland prosperity in textbooks “Native language”, “Literature”, peace of the country, people’s well-being, social cooperation, harmony of the nation, sincere attitude to religion and others.

Keywords: education, native language, literature, nationality, prosperity of Homeland, peace, people.

Умумий ўрта таълимнинг она тили фанидан Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида ўқувчилардан ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини шакллантириш мактаб она тили таълимининг асосий мақсади қилиб белгиланган. Шунга кўра она тилидан яратилган дастур ва дарсликлардан ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш мақсадида грамматик билимларни бериш тартибига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Бола улғайиб, мактаб таълимини ола бошлар экан, бунда у она тили қурилиши билан ҳам яқиндан таниша бошлайди. Ўз тили грамматик қурилишининг ўзига хослиги ва имкониятларининг беқиёслигини англай бориш билан унда она тилига қизиқиш пайдо бўла бошлайди. Пировардида, миллатига, ватанига меҳр туйғулари уйғона бошлайди. Янги дарсликларда топшириқларнинг берилиши, мазмун ва моҳияти аввалги дарсликлардан тубдан фарқ қилади. Янги “Она тили” дарсликларидаги баъзи машқларда ўқувчи ўзлаштириши керак бўлган материални мустақил равишда топиш талаб этилади. Маълумки, ўзликни англаш, миллий ғоя ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасида руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

Ҳозирги кунда яратилган «Она тили», «Адабиёт» дарсликларида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро самимий муносабат ва бошқаларни сингдиришга қаратилган.

Маълумки, 5-синф она тили дарлигида маънодош сўзлар мавзуси келтирилган. Бу мавзуга доир машқда *дўст, фақир, Ватан, мангу, дангаса, иноқ* каби сўзларнинг маънодошини топиш керак.

Гуруҳларга бўлиб ишлашда тестлар, бошқотирмалар, турли ўйин усулларида фойдаланиш ҳам дарсларни қизиқарли бўлишига ёрдам беради.

Аввалги дарсда ўтилган мавзу бўйича 5-6 та саволдан иборат тест берилади. Жавоб учун 3 дақиқа вақт берилади. Сўнг тестлар орқасидаги тест калити ёрдамида жавобларни текшириб чиқишлари айтилади. Янги мавзунини синф тахтасига ёзиб, ҳар бир гуруҳга бошқотирмалар берилади. Масалан, «Миллий маънавиятга хос» мавзусида миллий маънавиятимизни акс эттирувчи бошқотирмалар бериш мумкин. Ўқувчилар бошқотирмадаги топшириқлар асосида сўзларни топиб катакларни тўлдиради. Ҳар бир бошқотирманинг бош ҳарфларидан сўзлар келиб чиқади ҳамда бош ғоя нима эканлигини билиб олиш мумкин бўлади.

1	2	3	4
о	з	о	д
з	а	қ	у
о	р	и	н
д	а	л	ё

1. Туткунликдаги инсон қандай яшашни истайди?
2. Бузғунчи ғоялар халққа нима етказилади?
3. Доно сўзининг синонимини топинг.
4. Олам сўзининг синонимини топинг.

1	о	д	и	л				
2	б	у	н	ё	д	к	о	р
3	о	ғ	и	р				
4	д	и	н	и	й			

1. Адолат сўзининг синоними.
2. Қандай ғоя инсонни эзгуликка олиб боради?
3. Қатағон йиллари халқимиз қандай кунларни бошидан кечирди?
4. Ҳайит қандай байрам?

Охирида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, яъни миллий маънавиятимизга хос бўлган бирикма келиб чиқади.

Гуруҳларнинг тўғри танланиши ўқувчиларнинг дарс давомида сезиларли даражада фаол ҳаракат қилишга имкон беради. Ушбу усулнинг самараси шундаки, машғулотларда барча ўқувчилар қатнашади, улар ўз фикрларини эркин баён қилишади, муомала маданиятини ўрганишади.

Энг асосийси бу усул ўқувчилар учун қизиқарли кечади, чунки улар кенг фикрлайдилар, ижод қиладилар, ўз фикрларини билдирадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларида замонавий таълим технологияларининг қўлланиши ўқувчининг ички имконияти, қобилиятини намоён қилади.

Бугунги она тили таълимида, хусусан, 5-6-синф дастур ва дарсликларида феъл, от, сифат, равиш ва олмошлар каби сўз туркумларини ўрганиш жараёнида уларни жуда кўп ички луғавий-маъновий гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳ сўзлари устида ишлаш сингари синф ва уй ишлари топшириқларини бажариш кўзда тутилган. Дастур ҳам, дарслик ҳам бундай маъновий гуруҳларни ўрганиш жараёнида қандай сўзлардан фойдаланиш лозимлигини муайян равишда қатъий белгилаб бермайди ва ўқитувчига қандай сўз ва тушунчалар устида ишлаш учун катта эркинлик беради. Ўқитувчи мана шу эркинликдан маънавий тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришда самарали фойдаланиш учун имкон беради. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маъновий гуруҳни ўтишда шу гуруҳга алоқадор бўлган ва ўқувчининг ватани, униб-ўсган жой, яшаш шароити ва муҳити билан боғлиқ сўзлар устида ишлашни мақсад қилиб қўяди.

Ўқитувчи ҳар бир луғавий гуруҳ устида олиб бориладиган машқ ва топшириқларни бажаришда дарсликда берилган материаллардан ташқари ўзи ҳам ижодий равишда машқлар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқади. Масалан, ўқувчилар тегишли маъновий гуруҳларга доир сўзлар тўдасини аниқлаганларидан кейин улардаги маъновий муносабатларни аниқлашни ҳам буюради. Бунинг натижасида ўқувчилар луғавий-маъновий гуруҳлардаги маънодошлик, зид маънолилик, шаклдошлик, уядошлик, даражаланиш каби маъновий муносабатларни ҳам аниқлайди.

Кўринадики, тилимизда мавжуд сўзлар устида олиб бориладиган бу тарздаги машқлар ўқувчиларда она тили, она юрти, она халқига нисбатан ҳурмат, муҳаббат туйғуларини

ўстирадиган тенгсиз омилдир. Бу йўл ўқувчи- ёшлар онгида миллий онгни шакллантирувчи, ватанпарварлик туйғуларини ўстирувчи бошқа омиллардан беҳад самарадолиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н. Маҳмудов, А. Нурмонов ва бошқалар. Она тили. 5-синф. Тошкент, 2017, 178- бет.
2. Н. Маҳмудов, А. Нурмонов ва бошқалар. Она тили. 6-синф. Тошкент, 2017, 3- бет.
3. «Таълим тўғрисида» Ўз. Рес. Қонуни. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» китобида, Тошкент, 1998, 20-29 бетлар.
4. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» китобида, Тошкент, 1998, 30-61 бетлар.

5. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 9(4), 16-20.

6. Khodjamkulov, U., Botirova, S., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters (on the Example of the Education System of Uzbekistan). *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 166-169. <https://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.12.47>

7. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 243-247. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.12.29>